

YOSHLAR OVOZI

ВАТАНИГА ҚАЙТГАН ВАТАНДОШЛАР

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан юртимизда биринчи мартаба "Ёш ватандошлар" халқаро фестивали ўтказилмоқда.



Хорижда истиқомат қилаётган ўзбек йигит-қизларини бой маданий меросимиз, қадрият урф-одатларимиз, асосийси, мамлакатимиз ёшлари ҳаёти ва улар учун яратилган шароитлар билан таништиришга қаратилган мазкур лойиҳа Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси ҳамкорлигида амалга оширилди. Унда АҚШ, Россия, Япония, Туркия, Покистон, Қирғизистон, Тожикистон каби мамлакатларда яшаётган, узок мудатга ўқишга ёки ишга кетган, тури йўналишларда муваффақиятга эришган 70 нафарга яқин тенгдошимиз иштирок этмоқда.

Дастлаб меҳмонлар пойтахтимиз бўйлаб саёҳат қилиб, сўнгги йилларда юз берган ўзгаришларни бевосита кузатиш имкониятига эга бўлди. Шу билан бирга, ёш рассомлар ижод намуналаридан тузилган экокурғазмани томоша қилди. Шундан сўнг ватандошларимиз Ёшлар ижод саройига тақлиф қилиниб, Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг тараққиёт истиқболларига бағишланган давра суҳбатига қатнашди. Дастлаб ассоциация раҳбари Муродилла Алимбоев тузилманинг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот берди. Тadbир давомида ассоциациянинг Хитой, АҚШ ва Германия Федератив Республикасидаги

вакиллари ўша мамлакатларда яшаётган ўзбек ёшларининг фаолияти ва ютуқлари, қандай янги лойиҳалар устида ишлаётгани ҳақида сўзлаб берди. — Яқинда Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси вакиллари билан учрашиб, лойиҳаларимиз хусусида фикр алмашдик, — дейди ассоциациянинг Хитой Халқ Республикасидаги вакили Муниса Нурматова. — Чин ўлкасидаги беш минг нафардан зиёд ўзбекистонлик ёшларни бирлаштириш, улар билан тури соҳаларда билим ва тажриба алмашиш мақсадида ўнта провинцияда вакиллар сайламоқчимиз.

Бу фаолиятимизнинг янада кенгайишига хизмат қилади. "Ёш ватандошлар" фестивали эса, бошқа давлатлардаги сафдошларимиз билан ҳамкорлик алоқаларини боғлашга имкон яратди. Давра суҳбатига ўртага ташланган таклифлар, асосан, чет элда ўқитган йигит-қизларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, хорижий таълим муассасаларига киришда кўмаклашиш, малакали кадрларни юртимизга қайтариш масалаларига қаратилди. — Бугун дунёнинг деярли барча таълим масканларида юртимиз ёшларини учратиш мумкин, — дейди Япониядаги Нагоя иқтисодиёт университети ўқитувчиси Алишер

Умирдинов. — Улар бир неча тилларда бемалол сўзлаша олади. Айнан шу имкониятдан фойдаланиб, "Ёш таржимонлар мактаби"ни яратиш лозим, деб ҳисоблайман. Боиси жаҳондаги камдан-кам етуқ олимларнинг ижтимоий-гуманитар, аниқ фанларга оид асарлари оила тиимизга таржима қилинган. Ушбу иш амалга оширилса, сўзсизки, тенгдошларимизнинг билим даражаси анча юксалади. Фестиваль доирасида юқори марраларга эришган хорижаги ватандошларимиз "Менинг муваффақият йўлим" мавзусида маҳорат дарсларини ҳам ўтмоқда.

Жавлон ВАФОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ОДАМЛАРНИНГ ТАҚДИРИ ЎЙИНЧОҚМИ?

Эл ғамида яшаш осон эмас. Бошогриқ кўпаяди, ҳаловатинг йўқолиши тайин. Аммо давлат қудуғидан сув ичаётган катта-кичик амалдорлар ҳадебу шу йўсинда мулоҳаза юритаверса, бошқача қилиб айтганда, ўша давлатнинг ўзига-да хиёнат қилса, ривожланиш бўлади-ми?! Э йўқ, биролар, айни замонда боқибегам бўлиб юриш ярамайди. Ватан равнақи йўлида толмай меҳнат қилиб, фидойилик кўрсатишга не етсин!

Ишонинг, айтаётганимиз баланларвоз гаплар эмас! Ҳақиқат! Ҳаётий ҳақиқат! Ўзингиз ўйлаб кўринг, олма пиш, оғзимга туш, дея ялтоқланиб ётсак, ҳаётимиз яхшиланарми? Муаммо устига муаммо туғилгани қолади-ку. Ёнқи текшириш келса, йўқни яшириб, борни ошириб кўрсатишдан нима фойда? Халқ газаби баттар кўпчилайди-ми? Жамиятда ижтимоий норозиликни келтириб чиқарадиган, маънавий муҳитни бузадиган бош омил ҳам қўзғабумачилиги адолатсизлик эмасми, ахир?! Мана нимага Юртбошимиз оддий одамлар — ҳамюрту

ҳамқишлоқларимиз манфатларини устун қўйган ҳолда давлат сиёсатини юритмоқда. Халқни рози қилишнинг бирдан-бир йўли шу! Жойлардаги ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида ҳукумат доирасида тузилган республика ишчи гуруҳи аъзолари салкам бир ҳафтадан буён Андижоннинг Бўз ва Улғунор туманларида ўрганиш ишларини олиб бормоқда. Ҳар куни Президент вакиллари ўнлаб "ечимсиз" муаммолар, оғир тақдирлар, лоқайдлиги масъулиятсизликнинг учига чиққан кўришиларига дуч келаётир. Аксарият ҳолларда бу каби имлатлардан болалар, ёшлар азият чеқмоқда. Бўз туманининг "Чорвадор" маҳалласида 12 ёшга етиб ҳам ҳали бирон марта мактаб остонасидан ҳатламаган бир норасидага ёрдам бериш истағида дарҳол манзил томон ошиқдик. Ёшлик кўчасидаги ўша хонадонда Марғуба Назарова уч нафар фарзанди — Бехрўз, Бекзод, Нурилла Тўхтасиновлар билан истиқомат қилар экан. Болаларнинг икки нафари

мактаб ёшига етган бўлса-да, умумий ўрта таълимга жалб этилмаган. Чунки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси йўқ. Марғуба опа 2001 йилда шаръий никоҳ асосида Хайрулла Усмонов билан оила қурган. Янаям қизиги, биринчи турмушдан расман ажрашмаган. Шу алфозда ўн етти йилдан буён яшаб келаётганини айтмай-сизми. Боқибегамлик ҳам эви билан-да! Жабрини эса, фарзандлар тортмоқда. Республика ишчи гуруҳи аъзолари Бехрўз Тўхтасиновни дарҳол мактабга жойлаштириш пайига тушди. Мутахассислар иштирокида бола синовдан ўтказилди. Ўқиш, ёзиш, мулоқот ва сўзлаш малакаси ўз тенгқурларидан анча ортага қолгани сабабли тўртинчи эмас, 3-синфга қабул қилинди. — Онам озроқ ўқишни ургатган, лекин китобларим йўқ, — дейди Бехрўз. — Минггача санай оламан. Болалар мактабга кетаётганида ҳавасим келади. Келажакда ҳарбий бўлмоқчиман. (Давоми 3-саҳифада)

ТАЪЛИМ: ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ



Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида "Ўзбекистонда Қозоғистон таълим кунлари" мавзусида илмий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Бутунжаҳон қозоқлар ассоциацияси, Навоий давлат кончилиги ҳамда педагогика институтлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Қозоғистон Республикасининг ўттизта олий таълим муассасаси ўз йўналиш ва ихтисосликлари бўйича ёшларга маълумот берди. Навоий вилояти ҳокими уринбосари Ф.Солиев мамлакатимиздаги қозоқ миллий маданий марказлари фаолияти, икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўз юритди. Бутунжаҳон қозоқлар ассоциацияси вакили К.Садирбаева, Қозоғистон транспорт ва коммуникация академияси проректори У.Қутибаев ва бошқалар Қозоғистонда 2018 йил Ўзбекистон йили, деб эълон қилингани ўзбек халқига юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзи эканини алоҳида қайд этди. — Бир дарёдан сув

ичган икки халқнинг тили, маданияти, урф-одатлари ўхшаш, ўзаро ҳамоҳанг ва уйғун, — дейди Бутунжаҳон қозоқлар ассоциацияси вакили К.Садирбаева. — Биргина "Алломиш" достонининг ўзбекча ва қозоқча талқинлари бўлиб, иккисидан ҳам мардлик, ватанпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари тараннум этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 мартдаги "Буюқ қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори икки давлат ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилишининг яна бир тасдиғи бўлди. Юртимизда қозоқ халқининг ардоқли фарзандлари хоки мангу кўним толган муқаддас қадамжолар оёда этилаётир. Жумладан, вилоятдаги Сейтқул авлиға ҳамда Айтеке Би мақбаралари қўркам

ҳолатга келтирилгани халқларимиз бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги йўлидаги эзгу ишларга ёрқин мисоллар. Айни кунда вилоятда 80 дан зиёд қозоқ тилида ўқитиладиган умумтаълим мактаби бўлиб, уларда қозоқ миллиятига мансуб ёшлар таълим-тарбия олмақда. — Бугунги кунда Қозоғистондаги олий таълим муассасаларида 4 минг ўзбекистонлик талаба таҳсил олмақда, — дейди Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг халқаро ишлар бўйича вице-президенти З.Торбекова. — Наврўз кунлари иқтидорли, ташаббускор, илланувчан 18 қозоқ йигит-қизларининг Ўзбекистон бўйлаб саёҳати ташкил этилди. Бундай тадбирлар мамлакатларимиз ёшларини бирлаштириш, фикр алмашишда муҳим аҳамият касб этади. — Қараганда иқтисодиёт университетида замонавий шароитлар яратилган, — дейди ушбу олий ўқув юрти проректори М.Абдуқимова. — Хусусан, бакалавр, магистратура ва докторантура босқичларида талабалар замонавий ахборот технологияларини чуқур ўрганиши, халқаро талабалар даражасида таълим олиши мумкин. Бу ерда масофадан туриб таҳсил олиш имконияти ҳам мавжуд. Навоий давлат кончилиги институти билан Қозоғистоннинг еттига олий ўқув юрти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири

ESHITDINGIZMI?

60 НАФАР ТАЛАБА МАҲОРАТИНИ ОШИРАДИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида "Ёш журналистлар мактаби" ташкил этилди. Янги тузилмага Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг журналистика факультетларидан 60 нафарга яқин талаба жалб этилган. Улар синов асосида саралаб олинди.


Илк машғулот Ёшлар медиа марказида маҳоратли журналистлар томонидан олиб борилди. Мактаб Иттифоқ муассислигидаги оммавий ахборот воситалари учун малакали кадрлар захирасини тайёрлайди ҳамда соҳада "Устоз — шогирд" аъёнасини ривожлантиришга хизмат қилади.



Мухбиримиз

TA'LIM TARQAQIYOTI

БИР КУНДА РОБОТ ТАЙЁР



Рохатой ҚОДИРОВА

Юртимизда ilk бор "Microsoft" корпорациясининг "DigiGirls" таълим дастури амалга оширилди. Лойиҳа хотин-қизларни ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда инновациялар билан таништиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган 60 нафар қиз қатнашди. Улар Тошкент шаҳридаги Инха

университетда жам бўлди. Даставвал "Microsoft" вакили Теодора Варбанова АКТ ривожидagi аёлларнинг ўрни хусусида сўзлади. Яна бир малакали мутахассис, ҳамюртимиз Муқаддам Аҳмедова эса, соҳадаги тажрибаси билан ўртоқлашди.

Иккала маърузадан ҳам иштирокчилар фойдали жиҳатларни ўзлаштириб олди. Сўнгра амалий машғулотлар бошланди. 12 – 14 ёшлилар "Flappy Bird" ўйинини бошқариш учун сенсор яратди. Каттароқ қизларга роботнинг қўлини ясаш вазифаси топширилди. — "DigiGirls" кўз ўнгимда АКТнинг синаотли оламини намойён этди, — дейди иштирокчилардан бири

Рухсора Назарова. — Ёдимда, бир неча ой аввал телевизорда роботларни томоша қилиб, Ўзбекистонда бундай қурилмалар ҳали-бери яратилмаса керак, деб ўйлагандим. Янглишибман! Новаторлик



бобида бировдан кам жойимиз йўқ экан. Лойиҳа бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилиб, илму салоҳиятимни синаб кўриш учун имкон яратди. Дастур якунлари бўйича барча қизлар сертификат билан тақдирланди. Энг фаол тўққиз нафар иштирокчига қимматбаҳо совғалар ҳам тақдим этилди.

TASHABBUS

БЕМИННАТ ЁРДАМ



Элдор НАВРЎЗОВ

Эл дуосини олмоқ — савоб. Меҳнатнинг кўпга татиса, оғирини енгил қилса, ўзинг ҳам роҳатланасан. Яқинда ғаллаороллик бир гуруҳ вақтинчалик ишсиз ёшлар хайрли ташаббусга қўл урди.

Улар яшайдиган Қоронғул қишлоғида аҳолига салкам ярим асрдан буён хизмат қилаётган кўприк яроқсиз ҳолга келган эди. Шундан хавотирланган 12-умумтаълим мактабидagi ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси Сардор Намозов кўприкни таъмирлаш учун ўз

ҳисобидан 600 минг сўм ажратди. Кўнглимлар гуруҳини тузиб, кўприкни таъмирлашга киришди. Кўпга қолмай янги темир панжаралар пайвандаланиб, бир тўсада бўялди. Йигитларнинг ушбу беминнат ёрдамидан бутун қишлоқ миннатдор. Кексалар эса, дуода.

TAJIRIBA

СОВРИНИГА — ИЖОБИЙ ТАВСИЯНОМА

Алҳам ЖЎРАЕВ

Ёшлар иттифоқининг Сирдарё вилояти кенгаши ички ишлар профилактик ҳисобида турган вояга етмаганлар ўртасида туманлараро мини-футбол мусобақасини ташкил этди. Унда 11 жамоа қатнашди.



Қизғин баҳслар ҳамда ўша кезде ҳуки сурган соғлом рақобат муҳити ўсмирларнинг шижоатини янада жўштирди. Чим устида жамоалар ўзаро мусобақалашган бўлса-да, аммо майдон ташқарисида дўстлашиб қолди. — Бугунги беллашув шу

даражада мароқли ўтишини, рости, кутмаганим, — дейди ховослик Нурали Султонов. — Ташкилотчиларга раҳмат, бизга янги ҳаёт сари йўл кўрсатиб берди! Хатоларимдан хулоса чиқариб олдим. Энди Ватан учун фойдали инсон бўлишга

ҳаракат қиламан. Беллашув натижасида кўра, Сайхунобод тумани жамоаси 1-уринни эгаллади. Ширин шаҳри вакиллари иккинчи, гулистонликлар учинчи ўринга сазовор бўлди. Мукофот тариқасида ёшлар ташкилоти тавсияномаси асосида 48 нафар йигит профилактик ҳисобдан чиқарилди.



QODIY UCHRASHUV

БҮЮК АДИБЛАРНИ ЁД ЭТИБ

Насиба АБДУЛЛАЕВА

Ангрен шаҳар маданият бўлими ташаббуси билан маҳаллий Ўлкашунослик музейида "Буюк адиблар ёди" номли ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдуҳолик Мамарасулов, болалар ёзувчиси Шукрулло Абдуллаев, шоирлар — Дилшод Ражаб ва Сойиб Мирзо, шунингдек, музей жамоаси, мактаб ўқувчилари ва ота-оналари қатнашди. Учрашувга таклиф

этилган ижод аҳли ўзбек ва қардош халқлар адабиёти намояндалари ҳақида сўз юритди. — Қимматли асарлар нафақат ўша миллат, балки бутун Ер юзидаги китобсеварлар мулки, — деди адиб Шукрулло Абдуллаев. — Чингиз Айтматов, Абай Қўнонбоев, Нодар

Думбадзе асарлари мисли қуёш каби қалбларни иситади. Ўзбек адабиёти дурдоналари ҳам миллатимизнинг бебаҳо бойлиги. Дилшод Ражаб ва Сойиб Мирзо билан бўлган мулоқот ҳам ажойиб кечди. Улар ўз шеърларидан ўқиб берди. Тадбир ташкилотчиси, истеъодли санъаткор Нозимжон Раҳматов шоғирлари билан тайёрлаган бадий қисм йиғилганларни хушнуд этди.

Китобхонлик тарғиботи 14-умумтаълим мактабидa давом этди. Мазкур масканда ҳам ижодкорлар ёшлар билан дилдан суҳбатлашиб, бугунги глобаллашув замонада эзгуликка етакловчи нажоткор куч — бадий адабиёт эканини алоҳида таъкидлади. Ўқувчилар томонидан ижро этилган куй-қўшиқ, рақс ва сахна кўринишлари барчани мамнун этди.

DAVRA SUHBATI

МЕТАЛЛУРГЛАР ИТТИФОҚҚА АЪЗО БЎЛДИ

Бекзод ҚОДИРОВ

Ёшлар иттифоқининг "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамиятидаги етакчилар кенгаши томонидан ёш металлурглarga юртимизда турли соҳаларда амалга ошириладиган кенг қўламаги ислохотлар мазмун-моҳиятини англашти мақсадида давра суҳбати ташкил этилди.



Корхонанинг 1-навли прокат цехида бўлиб ўтган тадбирга Иттифоқнинг Бекобод шаҳар кенгаши раиси Раҳмон Раҳмонов, Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутати Дилшод Мирзақулов таклиф қилинди. Меҳмонлар ёшларга оид давлат сиёсатининг ўстувор йўналишлари ҳамда амалий

натижалари хусусида сўз юритди. Шу билан бирга, ёш мутахассисларнинг лавозимда кўтарилиши, билим ва маҳоратини юксалтириши учун яратилган шароитларга тўхтади. Яқинда цехларда меҳнат қилаётган йигит-қизларга Ёшлар иттифоқининг аъзолик гувоҳномалари топширилди.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



"AL BILAD" ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНДИК

Саудия Арабистонидаги "Al Bilad" газетаси юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган мақолани чоп этди.

Унда Ўзбекистоннинг Жидда шаҳридаги бош консуллиги томонидан Саудия Арабистони Подшоҳлиги сайёҳлик тармоғи вакиллари ва журналистлар учун тақдимот ҳамда учрашув тафсилотлари ёритилган.

Мақола муаллифи замонавий Ўзбекистон Имом Бухорий, Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Имом Термизий сингари буюк алломаю мутафаккирлар ватани эканини қайд этди. Шунингдек, мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили мақомига эгалиги, лекин аҳолининг аксарият қисми рус тилини ҳам билиши, айримлар форс, ҳатто араб тилида сўзлашиши таъкидланган.

Жидда шаҳрида бўлиб ўтган учрашув тўғрисидаги материал Саудия Арабистонида оммалашган

яна бир даврий нашр — "Boardin" веб-саҳифасида ҳам эълон қилинди. "Журналист ва бизнесменлар Ўзбекистонга боради" сарлавҳали мақолада юртимиз сайёҳлик имижидунёда мустаҳкамланиб бораётгани, айниқса, халқ амалий санъати намуналари хорижий сайёҳларда катта қизиқиш уйғотаётгани қайд этилади. "Мамлакатда меҳмонлар учун яратилган қўлайликлар жаҳон андазаларига жавоб беради. Масалан, асосий туристик марказларга замонавий тезюрар замонларнинг 98 фоизи Форс кўрғазидagi араб мамлакатлари фуқароларининг дидага мос бўлиб, ҳалоқ маҳсулотлардан тайёрланади", — деб ёзади "Boardin".

"WIESBADENER ERBENHEIMER ANZEIGER" ТАҲЛИЛИЙ МАҚОЛА ТАЙЁРЛАДИ

Германиянинг "Wiesbadener Erbenheimer Anzeiger" газетасида Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳақида таҳлилий мақола босилиб чиқди.

Материал Тошкент шаҳри тасвири билан бошланган. Немис журналистлари пойтахтимиздаги озодаликка эътибор қаратиб, атрофда шодон одамлар, айниқса, ёшлар кўплигидан ҳайратланади. Муаллифларнинг фикрича, кўҳна тарих ва табиий бойликлар бугунги кунда республикамиз иқтисодий, шу жумладан, сайёҳлик салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Президенти ташаббуси

асосида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида бу жиҳат алоҳида инobatга олингани ҳам қайд этилади. Материалда Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсатида ҳам урғу берилиб, ўтган қисқа вақт мобайнида қўшни давлатлар билан алоқаларни сезиларли равишда яхшилашга эришилгани айтилади. Таълим тизимидаги ислохотларимиз ҳам тилга олинган.

"Жаҳон" АА материаллари асосида тайёрланди.

BUGUNNING GAPI

Гавҳар Тўраева,
Қарши шаҳридаги 32-умумтаълим мактаби ўқувчиси

Уч кундан сўнг Зулфиянинг тўйи. Зулфия ҳам бошқа ўзбек қизлари қатори тўйи бўлаётганидан гоҳ уялади, гоҳ хурсанд бўлади баъзан ташвишга тушади. Бироқ унинг энг катта ташвиши ҳозирча фақат ўзига маълум (ҳатто ойсиси ҳам бу ташвишни Зулфиячалик ҳис қила олмас керак). Дадаси унга бир талай кийим-кечак, атир-упа олиб бергани билан ҳали асосий келинлик сепини келтиргани йўқ. У ана шундан хавотирда.

ДАДАМ ЙИҚҚАН СЕП

Дадасининг феълени қизи яхши билади: у ҳар қанча меҳрибон, жонқур бўлгани билан чўрткесарлиги, қайсарлиги бор. Шу сабаб Зулфия ҳам, ойсиси Марҳабо опа ҳам асосий "сеп" тўғрисида ботиниб сўрай олмайд.

Зулфия дугонларининг келинлик сепи тўғрисидаги саволларига мўжмал жавоб бериб қўя қолди. Бир дугонаси янги чиққан алламбало матодан кўйлак тиктирдигини, деб сўраганида, ўша матони билмаслигини аниқлаб қолди. Унинг ўрнига бошқа дугонаси билан келинлик қилиб, бўлажак келинни вазиятдан қутқариб (яхши-якми, олифта ва мол-дунёга ўч қизлардан таниши кам, акс ҳолда уни қолоқликда айбашаримиди?). Боринги, сеп тўғрисида сўрагани ва қизикқан кишилар қаторига кўни-кўшилар, амма-холалар, узок-яқин қариндошлар, ҳатто кичик ёшдаги жиянчаларини ҳам киритса бўлади.

Зулфия одамлар сеп кўришга бунчалик даражада қизиқишини ҳаёлига ҳам келтирмаган. У бир неча марта тўйларга борган, бироқ дугоналар, хотин-қизлар, биринчи навбатда, келиннинг сепига, қолаверса, тўйнинг даблабасию, ҳашияматига эътибор беришини билмаган экан. Йўқса, сеп йиғиш учун эртарақ ҳаракат қилариди...

Мана, энди ўзининг тўйи арафасида бунақанги фаришад уладининг олдида лол бўлиб ўтирибди. Ниҳоят, тўй кунини етиб келди.

Зулфиянинг ичига чироқ ёқса, ёришмайди. Унинг хавотирли ошса-ошдики, бироқ қайиғани йўқ. Уч кундан буён ҳаёли ўша номмаълум сепда...

Унинг бу қадар ҳадик-сираси сабабини яхши билмаган киши бўлажак келин ҳақида нотўғри ҳаёлга бориши турган гап. Аслида, Зулфия учун кийим-кечак, қимматбаҳо буюм ёки тақинчоқларнинг қадри муҳим эмас. Ота-онаси уни олифта, танноз қизлар каби тарбиялагани йўқ. Эсини танибдики, китоб билан ошно. Турли мавзудаги китоблар, айниқса, бадиий асарлар ўқиш унинг энг севишли машғулотларидан бири. Ҳатто айримларини қайта-қайта ўқиб, ҳар гал янги таассуротлар олади. Шу боисми, ёшлагидан турли танловларда қатнашди, китобсевар дугоналар орттириди. Университетга кириб, курсдошлар билан танишганда ҳам, яқин дўстлари асосан билимга чанқоқ, китоб ўқишни хуш кўрадиган қизлар орасидан бўлган. Турли кийим-кечак ва безаклар ҳақида соатлаб гап сотиб ўтирадиган талабалар билан суҳбати унчалик қовушмайди.

Уйда ҳам суҳбат асосан турли фан ёки янги китоблар атрофида кечили оdatий ҳолга айланган. Дадаси уни мутолага ундагани-ундаган. У билган айрим китобларни ҳатто адабиёт ўқувчилари ҳам ўқимаганидан Зулфия гоҳида ўзи ҳам хижолат чекиб юрарди.

Бироқ тўйи арафасида уни бошқа ташвиш хавотирга солмоқда. Агар дадаси

олиб берадиган кийим-кечак ёки тақинчоқлар қайнона-сига, сеп кўришни интизор бўлиб кутаётган қариндошларига, айниқса, куда томонга маълум келмас, нима бўлади? Одамларнинг ҳар хил гап-сўзларига тоқати етармикан? Ўзи-ку бир амаллаб чидайди, бироқ дадаси бунга нима дейди? Тўй бир кунда ўтса ҳам, ундан кейин қайнонаси сепи оддий келинни қандай қабул қиларкан? Эҳ-ҳе, бунақа ўйловларнинг чеки йўқ.

Бу ўйларнинг энг хавотирлисини ҳали тилига чиқаргани йўқ. Мабоодо дадаси хотин-халажлар "сеп" деб атайдиган турли матоҳлар ўрнига бошқа бирор нарса кўтариб келса-чи? Унда Зулфиянинг аҳволи нима кечаркан? Онаси қандай аҳволга тушаркан? Шуларни ўйлаётганда, ҳаёлини бир жойга жамлашга ҳам ҳоли қолмади. Ҳатто дугоналари билан нимага тўғрисида гаплашганини тизиб олмайди.

Вақт ўз ўқимини ўтказди: келиннинг сепи ҳам етиб келди. Аксарият хотин-қизлар худди тўйга эмас, сеп кўриш учун келгандек, бир жойга ёпириди.

Сеп айрим майда-чуйда нарсалар ҳамда иккита йирик сандиқдан иборат эди. Сандиқни очиб не кўз билан қарашаски, иккала сандиқ ҳам тўла китоб...

Бу ҳол кимнидир лол қолдирган бўлса, кимдир мийғида кулиб қўяди, кимдир ҳайрат тўла кўзлари билан китобларга тикилар эди (ич-ичидан роса кулган бўлса ҳам ажаб эмас!).

Китобларнинг барчаси янги, улардан қозоғ ва бўёқ ҳиди келиб турарди. Ҳар хил рангдаги хилма-хил китоблар худди турфа жавоҳирлар билан тўлдирилган ва ял-ял товланиб турган хазинага ўхшаб кетарди.

Сеп кўрмоқчи бўлганлар сандиқларда китоб борлигидан хабар топган, кўёв томон қудаларга савол назари билан боқди: ахир, масалага улар ойдинлик киритади-да.

Марҳамат опа ерга қарайди, ҳаммадан кўзини олиб қочади. Унинг безовталанаётгани сезилиб турибди. Гўёки барча унга таъна билан қараётгандек. Қуда бўлиши Салима опа эса, нима қиларини билмай каловланиб қолди. Китоб тўла сандиқни сеп эмас дейишга тили бормайди. Қабул қилаверса, кўпчилик қараб турибди, кулгига қолиши ҳеч гап эмас...

Ҳамма бир зум каловланиб, қотиб қолди (ахир, бундай антиқа сепни ҳали бирор киши кўрмаган ҳам, эшитмаган ҳам).

Шу жойда Зулфиянинг синглиси Оқилхон "даҳшатли" сукунатни бузиб:

— Вой қаранлар, дадам шунча китоб олиб берибди! — деб юборди.

Бу гап ҳаммани ўзига келтирди. Бирин-кетин бошқалар ҳам китобларни олиб кўра бошлади. Ҳатто қимматбаҳо кийим ва жиҳозларни кутиб турганлар ҳам худди китобдан зўр сеп чиқишини тан олгандек, уларни кўлма-кўл қилиб қараб чиқди.

Айниқса, тўйни кўришга келган кичикроқ ёшдаги

мактаб ўқувчилари учун янги китоблар жуда қизиқ ва ғалати туюлди (шу тобда ўқувчилар ўзини китоб дўконига ёки кутубхонага кириб қолгандек ҳис қилган бўлса, ажабмас).

Келиннинг отаси сеп ўрнига икки сандиқ китоб юборгани ҳақидаги миш-мишлар тўйхонада тез тарқалди. Кўпчилик учун бундай ноодатий сеп қизиқарли эди, шу сабаб китобларни кўришга кўплаб ўйловларнинг чеки йўқ.

Марҳабо опа ҳали-ҳануз ўзига келолмаган, оғзига кучи етмайдиганлардан бирортасининг таънасига дучор бўлишдан хавфсираб турарди. Бироқ ҳамманинг юзидан таъналар кўрган, анча ўзини тутиб олди.

Кўёвнинг онаси Салима опа эса, кўпчиликнинг олдида изза бўлиб уятга қолмаган қўрқдимми ёки ўғлининг бахтини ўйладими, ҳар ҳолда, ортиқча машамани ўзига ҳам, бошқаларга ҳам раво кўрмади. Ўзбекнинг тўйида аёлларнинг эътирофи кўп нарса ни ҳал қилади, шу сабаб бошқаларнинг, жумладан, эркаларнинг сеп ҳақида нима деганини айтиб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ.

Дадасининг антиқа сепи ҳақидаги хабарни Зулфия дугоналаридан эшитади. Кўнгилда нималардир юз беришини тахминан сезган эди. Бироқ сеп ўрнида икки сандиқ китоб келиши сира хаёлига келмаган.

Китоб ҳақидаги гап-сўзлар бироз тинчигандан сўнг Зулфиянинг ҳам кўнгил таскин топти. Бўлажак қайнонаси ва унинг атрофидаги бошқа хотин-халажлар сепини қабул қилибдими, энди буюғи осон кўчади, шекилли...

Зулфия ҳозир икки фарзанднинг онаси. У дадасига ухшаб фарзандларини китобхона, билимли ва зукко қилиб тарбиялаш ҳаракатида. Турмуш ўртоғи ҳам шундай фикрда. Зулфия келин бўлиб тушган хонадон китоб оламини ўзоқ бўлмагани сабабини ёки қудаларининг "антиқа" сепи анча вақтгача оғиздан тушмай гап-сўз бўлиб юргани сабабини, ҳар ҳолда қайнота-қайнона ҳам китоб билан ошно бўлди. Турли наشريётларда чоп этилаётган мазмунли ва қизиқарли китобларни тез-тез сотиб олиш хонадон эгалари учун яхши анъанага айланди.

Орадан бир муддат ўтиб Зулфиялар хонадонда кичикроқ кутубхона юзага келди. Қўни-қўшиларнинг ҳамда қариндош-уруғларнинг фарзандлари, фаол ўқувчилар ва ҳатто ўқитувчилар ҳам зарур бўлганда бу кутубхонага мурожаат қилиб туради. У ердан турли мавзулардаги китобларни топиш мумкин.

Қизининг кутубхона, эи кичикроқ бўлса-да, эи тарқатиб турганини Зулфиянинг дадаси катта савоб иш сифатида қабул қилди. У киши ҳозир иккинчи қизини узатиш арафасида. Сеп эса, олдиндан маълум.

Зулфия фарзандларига дадасининг сепи ҳақидаги воқеани тез-тез айтиб беради. Ўша сеп солиingan иккала сандиқ ҳозир ҳам унинг тўйида турибди...

JAMOATCHILIK NAZORATI

ОДАМЛАРНИНГ ТАҚДИРИ ЙЙИНЧОҚМИ?

Н.БАҲОДИРОВА,
А.РАҲМАТОВ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Шу маҳаллада истиқомат қилувчи Шарифа Тошматова аслида ўшлик, Қирғизистон Республикаси фуқароси. У ҳам турмуш ўртоғи — Улғбек Раззоқов билан шарый никоҳ асосида яшаб келмоқда. Уртада уч нафар фарзанд бор. Иккитасига ҳужжат олинмаган. Онанинг ўзи эса, 2005 йилда паспортини йўқотганича тиклагани йўқ. Мазкур ҳолатни депорт қилинишдан қўрққани билан изоҳлади. "Болам етти ёшга киргач, мактабга бера

интервью олишнинг имкони бўлмади.

— Тухтасиновлар oilаси бизда доимий рўйхатда турмайди, — деб ўзини оқлагани унинг "Чорвадор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илҳомжон Пулатов. — Шароитини яхши билганимиз боис, ҳар байрамда йўқлаб тураемиз. Кўп мартаба олинмаган. Онанинг ўзи эса, 2005 йилда паспортини йўқотганича тиклагани йўқ. Мазкур ҳолатни депорт қилинишдан қўрққани билан изоҳлади. "Болам етти ёшга киргач, мактабга бера

келатган ориятли инсонлар ҳам бор. Улардан бири Абдурашул Юнусов Бўз туманидаги "Мустанқиликнинг 15 йиллиги" маҳалласида яшайди. У тўрт ўғлини ёнига олиб, томорқасини ҳақиқий хазинага айлантира олган.

Бир оила 8 сотих ерда (икки сотихида иссиқхона қуриган) экин-тикин қилиб, рўғорини тебратяпти. Турмушдан мамнун, ҳеч нола қилмайди. Ўтган йили томорқадан 6 миллион сўм даромад қилгани ҳам рост. Бу йили помидор ва саримсоқлиёз етиштиришни бошлади. Абдурашул аканинг тўғри фарзанди Яҳёбек рафиқаси Фотимахон билан отага дастёр бўлиб, деҳқончилик ишларини ўрганмоқда. Ёшлар тўғри йўлни танлаганидан сўнодик.

Юнусовларнинг маҳалладоши Фахриддин Шаҳобидинов 27 ёшда. Унинг хонадонида уч оила — ўн жон яшайди. Тенгдошимиз томорқадан унумли фойдаланиб, ўтган йили икки сотих ерда иссиқхона барпо этди. Учта қорамоли ҳам бор. Соғин сипиридан ҳар кун 4 литр сут олади.

— Олти йил Россияда ишладим, — дейди Фахриддин, — Мусофирликнинг нони қаттиқ. Энди ўз юртида, оилам бағрида тинч яшапман. Яқинда 1 миллион 200 минг сўмга кўкат сотдим. Энди саримсоқлиёзлар етилиб, бўлиқ ўсяпти. Бозорда қамлада 2 миллион 500 минг сўмга сотилади. Кейин кечки бодринг экман. Ишчи гуруҳи томорқадан қолган ердан

Олисларда ишламай мўмай пул топиш мумкин, деган гапга ишонмаслик керак. Иш биланга Ўзбекистондаги шароити имкониятлар минг чандон афзал. Боқиманда киши ҳамма ерда хор бўлади. Узоқда сарсон-саргардон юриш зарурми бизга?!

чоғда 22 минг помидор кўчати Андижон ва Фарғона вилоятларининг омилкор зироатчиларига 10 миллионга сотилган экан. Иссиқхонанинг қолган қисмида 2 минг түп бодринг ниҳоли баравж ўсмоқда, гуллаб ҳосил тутишни бошлаяпти. Оилани бизнес ва тадбиркорлик ортдан Ҳасановлар хонадони ўтган йили 40-50 миллион сўм даромад кўрди. Хулосани ўзингиз чиқаравинг.

"Чорвадор" маҳалласининг яна бир вақили, тенгдошимиз Шукрбек Абдуллаев тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. Учта тикув машинаси бор. Онаси, рафиқаси, қариндош-уруғу фарзандлари билан биргаликда кўнига 10-15 тагача кўрпа-тўшак ва ёстиқлар тикади. Аммо дастгоҳлари эскириб, ахён-ахёнда бунақан бошламади, иш унуми кескин қаммайди. Икки йил муқаддам бу омилкор йиғит "Агробанк"нинг туман филиалидан кредит сўраб мурожаат қилди. Бироқ ҳали у ҳужжат, ҳали бу ҳужжатни йиғавериб, роса сарсон бўлди. Қоғозбозлик жонига теккач, қўл силтади ва банк тизимига ишончи йўқолди.

Республика ишчи гуруҳи Шукрбекнинг муаммосини бир кунда ҳал қилиб берди. Ёш тадбиркорга 8 миллион 600 минг сўмлик кредит ажратилди.

— Яна учта янги тикув машинасини сотиб олсам, кўнига 30 тагача маҳсулот чиқара оламан, — дейди мамнуният билан Ш.Абдуллаев. — Ёстиқлар 7 минг



Олма пиш, оғзимга туш, дея ялтоқланиб ётсак, ҳаётимиз яхшиланарми? Муаммо устига муаммо туғилгани қолади-ку. Ёинки текшириш келса, йўқни яшириб, борни ошириб кўрсатишдан нима фойда? Халқ газаби баттар кўпчимайдими? Жамиятда ижтимоий нороликни келтириб чиқарадиган, маънавий муҳитни бузадиган бош омил ҳам кўзбўямачилигу адолатсизлик эмасми, ахир?!

олмадим, — дейди Ш.Тошматова. — 11-умумтаълим мактабида "метрика" си йўқлигини айтиб, қабул қилишмади. Пойтахтдан келган вакиллarga раҳмат! Бир кунда ўғлимга туғилганлик гувоҳномасини оладик. Мен ҳам Қирғизистонга бориб, паспортини тиклайдиган бўладим. Сўнг Ўзбекистон фуқаролигини олоқчиман. Ушалмас орзуларим энди бирма-бир рўёбга чиқаётганидан хурсандман. Давлатимиз раъбарининг боши омон бўлсин!

11-мактаб директори Жаҳонгир Муллабоев билан учрашишга ҳаракат қилдик. Аммо у Тошкентдан одамлар келганини эшитиб, жуфтакни ростлаб қолди. Хуллас,

хонда истиқомат қилган. Қишда Улуғнорга кўчиб кетади, ёзда Тошкент вилояти яйловларида мол боқади. Инсон фарзанди тақдири учун қайғуриши керак эмасми? Бола тарбиясига, аввало, ота-она масъул-ку.

Бизни яна бир савол қўянади: хўш, сектор раҳбари — туман ҳокими нега юқоридаги ҳолатлар билан бирор марта қизиқмаган? Масъулиятсизлик қанонгача давом этади? Ҳодомларнинг тақдири уйинчоқми?

Шукри, орамизда бировнинг қўлига қараб қолмай, ўзи тиришиб ҳаётини яхшилашга эришган ва бу билан қанчадан-қанча боқибегам боқимандаларга ўрнак кўрсатиб



ҳам унумли фойдаланишим учун банкдан 7 фоизли кредит олишимда кўмаклашди. Бу пулга ҳам иссиқхона қуримоқчиман.

— Мен ёшларимизнинг булар-буларга чет элга чиқиб кетишига мутлақо қаршиман, — дейди улуғнорлик тажрибали фермер-деҳқон Бахтиёр Ҳасанов. — Олисларда ишламай мўмай пул топиш мумкин, деган гапга ишонмаслик керак. Иш биланга Ўзбекистондаги шароити имкониятлар минг чандон афзал. Боқиманда киши ҳамма ерда хор бўлади. Узоқда сарсон-саргардон юриш зарурми бизга? Ҳозир нольидиган замон эмас. Ҳалол лўмча топяпмиз, болаларимизни меҳнатга ўргатаймиз. Ерга меҳр берсангиз, қайфиятингиз кўтарилади, маза қилиб дам олсангиз. Эҳ-ҳе, бундай сурури лаҳзаларга нима етсин!

Бахтиёр ака рафиқаси Гулнора Ҳасанова билан "Гулистон" маҳалласида яшайди. Етти йилдан буён уларни иссиқхона боқмоқда. Шунинг ортдан тиричилиги ўтди. Иссиқхонада 40 минг помидор кўчати борлигини қўриб, қойил қолдик. Йилига уч-тўрт мартаба ҳосил олинар экан. Биз келган

сўмдан, кўрпалар 52 минг сўмдан сотилапти. Бир миллионлик айланмада чиқамиз Буюртма бўйича қарордоргир тўғридан ҳал ҳақиқимизга етказиб бериш ниятидман. Онам — Гулнора Абдуллаева барчасига бош-қош бўлмоқда. Насиб бўлса, оилани бизнесни кенгайтираман, катта тикчи шехини очмоқчиман.

Шу ўринда бир қайда: Марказий банкнинг Андижон вилояти бошқармаси бўлим бошлиги Абдуманноп Абдуллоҳовнинг айтишича, ишчи гуруҳлари фаолияти даврида Бўз ва Улуғнор туманлариданги 40 дан ортиқ жисмоний шахслarga 300 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар тақдим этилган. Юридик шахсларга эса 600 миллион сўм кредитлар ажратилган.

Бир ҳафталик ўрганишлар мо-байнида республика ишчи гуруҳи томонидан Бўз туманининг 25 та ҳамда Улуғнор туманининг 19 та маҳалласига кириб-чиқди. 3,5 миңдан кўп муаммо аниқланди. Ҳеч бири эътиборсиз қолдирилмай, ечимни юзасидан амалий ҳаракатлар давом этмоқда.

YOSHLIK ILHOMI
Умрзоқ АБДУВОҲИДОВ

Пушаймон

Куз, ҳаво салқин. Ёмғир дарахт барглари
ерга тўқмоқда. Қариялар уйи. Айвончада чол ва
кампир ўтирибди. Чол суғини нигоҳини кампи-
рига қаратиб, секин шивирлади:
— Уғлимизни қайси Меҳрибонлик уйига
топширгандик?

*Қўрадиган
кўзлар*

Носир уйдагиларнинг қистови билан
холасининг қизига уйланган. Малика билан
турмуш қурганига етти йил бўлди. Беш яшар
ўғли бор — Жавоҳир. Эрталабдан тоғаси Қо-
дир бозорлик қилиб, жиянини кўргани келди.
Сўрида анча вақт Жавоҳир билан ўйнади.
— Менга уйинчоқларингни берасанми? —
сўради ундан.
— Йўқ! Аввал менга кўрадиган кўзлар олиб
келинг...

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ



— Тошкент
шаҳридаги ўзимга
тегишли бўлган уйни
сотиш учун укамга
ишончнома бермоқ-
чиман. Мазкур ҳуж-
жатнинг амал қилиш
муддати қанча?
Алиба УБАЙДУЛЛАЕВА
Тошкент шаҳри

Саволга ҳуқуқшунос Бекзод МУСАЕВ
жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик
кодексининг 134-моддасига биноан, ишонч-
нома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мум-
кин. Ҳужжат нотариус томонидан тасдиқлана-
ди. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган
бўлса, у берилган кундан бошлаб бир йилгача
ўз кучини йўқотмайди.
Шуни ёдда тутингки, берилган кун кўрсат-
илмаган ишончнома ҳақиқий эмас.

Материал Ёш ҳуқуқшунослар
кенгаши билан ҳамкорликда
тайёрланди.

BIR SHINGIL FALSAFA
Аҳдәмбек АЛИМБЕКОВ

Оғрик

Тишим оғриб, эрталабгача ухломмай чиқ-
дим. Нинанинг учидек асаб толаси азоби бутун
танани зирқиратиши мумкин. Аммо гоҳида, жа-
миятдаги "туздек" оғрик нуқталарни кўрсак-да,
бемалол ухлай оламиз.

BOQIY QADRIYATLAR
Мафтуна МИРЗАХУҲАЕВА,
талаба



*Бойсунда
яратилган рақс*

Миллий рақсаримиз
орасида эркаклар учун
мўлажалланган ҳам бор.
"Анджон полъакиси", "Қар-
лар", "Доира рақси" каби
элимизда машҳур. Бироқ
Сурхон воҳасида пайдо бўлган
қадимги рақсардан бири —
"Бойсун мавригиси" ҳақида
ҳамма ҳам эшитган эмас.

"Мавриги" рақсининг келиб
чиқиш тарихи Бухородаги кў-
на шаҳар — Марв номи билан
боғланади. Шу боис у мазкур
ҳудудда анча кенг тарқалди.
Аммо бу рақсини узгача
талқини Сурхондарёнинг Бой-
сун туманида ҳам пайдо бўлган
Уни IX асрда Авлот қишлоғида
яшаган Азим сурнай исмли



AJDODLAR MEROSI

ИЛМУ МАЪРИФАТНИ АЙЛАДИ ТАВОФ

**Буюк аллома, одил ҳукмдор
Мирзо Улугбек бобомиз ўн
икки ёшида Самарқанд тахтига
ўтирди. Бироқ у фақат тахт
ва давлат ташвишлари билан
яшамади. Балки бутун умри
давонида инсониятга илму
маърифат улашишга
интилди.**

Дарҳақиқат, Улугбек
нафақат тахт соҳиби, балки
ўз даврининг кўзга кўринган
олими, фан оламининг янги
юлдузи сифатида ҳам ном
қозонган.
Аллома ёшлиғиданоқ
бобоси — Соҳибқирон Амир
Темир ёнида бўлиб, ундан
давлат бошқаруви сирлари,
саркардалик маҳоратини
пухта ўрганди. Аммо бу улўз
зот шахсининг шаклланиши-
да момоси — Бибиҳоним-
нинг ҳам ҳиссаси катта бўл-
ганини инкор этолмаймиз.
Риёзиёт ва астроно-
мия фанларига эрта меҳр
қўйган, зур иштиёқ билан
ўқиб-ўрганган Улугбек вақти
келиб, замонасининг буюк
мутафаккири сифатида
майдонга чиқди. Математи-
ка фани муаммолари билан
жиддий шугулланиши фала-
киёт илми — астрономияда
янги йўналишларнинг пайдо
бўлишига туртки бергани

алоҳида эътиборли жиҳат-
дир. Шу ўринда бундан 600
йилдан ортиқ вақт муқаддам
бобомиз ташаббуси билан
ҳозирги Қўқаб тепалиғида
расадхонанинг ташкил этил-
гани ҳамда мазкур илмий
даргоҳга дунёдаги етук
олимлар тақлиф қилинган-
ини алоҳида таъкидлашни
хоҳлардик.
Обсерваториянинг ку-
рилиши ва унга жой танлаш
борасида Улугбекнинг за-
мондоши, таниқли тарихчи
Абдураззоқ Самарқандий
шундай ёздади: "Мажлис
бўлажак расадхона шун-
дай қуриш керакки, оқи-
батда у вақт ўтиши билан
тебранмасин, силжimasин,
узоқ йиллар абодий турсин.
Бунинг (расадхона қуриш)
учун (ийгилиш) Самарқанд-
нинг шимоли-шарқидан
маъқул жой кўрсатди. Уни
қуриш йулланганга қадар
қуйидагилар бажарилсин:

расадхона бўлажак ходима-
ларнинг билимлари тако-
миллаштирилсин, қўшимча
жадваллар тузилсин ва
зарур (кузатиш) асбоблар-
нинг узвлари тайёрлансин",
— дея фармойиш беради
Самарқанд тахтининг фар-
монбардори".
Орадан шунча вақт ўтса
ҳамки, Қўқаб тепалиғида
сақланиб қолган расадхона
қолдиқлари — юлдузларни
кузатиш йўлига (туннель)
ҳамон ўз аҳамиятини
йўқотгани йўқ. Мустақиллик
йилларида у обод зийратго-
ҳа айлантирилиб, сайёҳлар
учун очиб қўйилди.
Мирзо Улугбекнинг ҳай-
кали ўрнатилган Самарқанд-
даги файзли мажмуа ҳозир
ҳам илм ва зиё маскани
бўлиб қоламоқда. Буни ўшбу
муазам гушадан қадими
узилмаётган илмий ходим-
лар сонига қараб ҳам билиш
мумкин.

DILDAGI GAPLAR

ҚАДРДОНЛАРИМ

Раҳмон АЛИ
**У менинг жону жаҳоним, пана
бермайдиган дўстим. Гоҳо
кайфиятим тушади. Дунё кўзимга тор
кўриниб кетади. Ётаман, ётавераман.
Шунда у мени йўқаб келади, аямай
турткилашга тушади.**

— Эрталаб йўлга
чиқаман, йўғотиб кўяр-
сиз, — дердим отамга
ётар олдимдан.
Отам раҳматли тонг
сахарадан уйғотишга
тушарди.
— Тур, ўғлим. Кечга
қоласан. Автобусинг
кетиб қолади.
— Ҳозир тураман.
Уйку ширинлик қила-
ди. Вужудимга урнашиб
олган эринчоқлик тин-
май шивирлайди: "Ухла,
яна бирпас ором ол".
Отам эса, эринмасди.
Уйғотинг, деганимга минг
пушаймон бўлиб ўрни-
дан турардим. Юз-қўлим-
ни ювиб келгандан кейин
ҳам қовоқ-тумшук қилиб
нонуштага ўтирдим.

Конибодом шаҳридан
эрталабки 8.35 да Тош-
кентга автобус жўнард-
ди. Пойтахтга вақтида
етиб келганимдан кейин
хўрсанд бўлардим: "Ях-
шим отамга тайинлаган
эканман".
У ҳам худди отамга
ўхшайди. Қалбимнинг
аёвсиз ҳукмдори.
Тадбирларга, дўстлар
билан тайин қилинган
учрашуларга ўн дақиқа
олдин боришга ундайди.
Дангасаликни вужудим-
дан қувиб солади. Она-
жонимнинг насиҳатини
ёдимга солиб туради:
— Гап қувмагин,
болам, иш қувгин. Гап
қувган балага, иш қувган
газнага йўлиқайди. Жо-

MENING FIKRIM

**МУСТАҚИЛ ШАХС
БЎЛСИНМИ "ТЎҒИ"?**

Ноҳирабегим ЖАМОЛОВА

Бутун жиянимни
олгани мактабга бориб,
қизиқ воқеанинг гувоҳи
бўдим. Фанлардан
"Беш" баҳо олганини
учун она биринчи синф-
да ўқийдиган қизини
уриштипти. Қизча эса,
қўруқдан ўтган-кетган-
га жавдиргани-жавди-
раган.
Фарзанд келажиги
учун қайғуриш яхши,
албатта. Лекин уни дарсда
баҳо олмай келатгани
учун бу қадар қаттиқ
қошиш шартмикин?!
Қўшимизнинг мен
тенги қизи 12 ёшида
оғир дардага — жигар
церрозига чалинди.
Шифокорлар қўруқдан
деган экан. Аввали, она-
си хол сўргани келган
қариндошларига бир
гални ўқтиради: "Мен
яхши ўқисин, дедим-ку,
оқибатини уйламабман".
Кейинчалик, кўчқитгани-
ни тан олиб, ич-ичидан
эзилди.
Баҳо нисбий.
Мухими, фарзанднинг
бирон нарсаси интилиб,
ўқиб-ўрганиши эмасми,
ахир!!
Жиянимдан ўша
синфдоши дарсда ўзини
қандай тутиши ҳақида
сўрадим. Қандай қилиб
бўлмасин, кундаликни
тўлдириш ҳақида уйлар,
нуқта: "Устоз, Нарғиза
гаплашяпти, Шаҳриёр
куляпти" каби маълум-
отлар"ни етказиб,
яхши кўринишга ҳаракат
қилар экан".
Биз ҳавас қилиб ҳаёти
ва ижодини ўрганадиган,
асарларидан олам-олам
завқ оладиган баъзи
ёзувчилар ҳам мактабда
охирги партада ўтириб,
доим яхши баҳо олма-
ганини унутмайлик. Бу-
юкларни тарбиялаш оғир,
лекин бу вазифа бола
эркин чекаш эвазига
амалга оширилмаслиги
керак, назаримда.
Психологлар қўруқ
фикрламасликка олиб
келишини таъкидлайди.
Чунки нотўғри жавоб
айтиб жазоланишдан
қўрққан бола фақат
эшитганини қайтара-
ди, холос. Энди уйлаб
қўлинг, бизга мустақил
фикрлайдиган, ҳар бир
воқеага ўз муносаба-
тини билдира оладиган
етук шахс керакми
ёки аллақерлардан
эшитган тўғри-нотўғри
маълумотни қайтаради-
ган "тўғи"?

ҚУНТ ҚИЛГАН БОШҚА

Соҳа вакиллари ва масъ-
улар аҳolini доимо ёнги
хавфсизлиги ҳақида оғоҳлан-
тириб келяпти. Аммо бепар-
волигимиз сабаб ёнгилар со-
дир этилиш давом этмоқда.
Бу эса, масалага янада жиддий
эътибор қаратиш кераклигини
англатади.

Юқоридан келиб чиққан
холда, Ички ишлар вазири-
лиги ёнги хавфсизлиги бош
бошқармаси мутахассислари,
аввало, мактаб ва мактабгача
таълим муассасаларида тарғи-
бот тадбирларини ўтказмоқда.
Барча муассасаларда ўт
ўчириш мотамалари кўздан
кечирилиб, масъул ходимларга
тушунча берилмоқда. Қолавер-
са, болаларга ёнги ҳолатида
ўзини қандай тутиш кераклиги
батафсил тушунтириляпти.
Ҳар қайси инсон ёнги
хавфсизлиги қоидаларига қунт
қилсагина, қўнгисизликлар-
нинг олдини олган бўламиз.

У.ЎТАБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Девони биноси
ёнги хавфсизлиги
бўлими масъул
кичик инспектори,
катта сержант

ASLIYATDAN TARJIMA

— Хўш! — дедим ва хайрла-
шишимиз зарурлигини англа-
тиб, чапақ чақдим. Олдин ҳам
бир неча марта шама қилган-
дим. Йўқ, жуда чарчаб кетдим.
— Ҳозир оқ юқорига чиқа-
сизми? — сўради у мендан
тишлари тақиллаб.
— Ҳа.
Мен-ку тақилф қилинган-
ман, буни унга аллақачон айтиб
қўйгандим. Албатта, ҳозир шу
ерда паста, дарвоза олдига
рупарамали мана бу киши-
нинг қудуқларига тикилиб ва
оғзимизга тоқон солиб, ўзоқ
қолиб кетгандан кўра, жон деб
юқорига чиққан бўлардим. Шу
тахлит йилмай туришимизга
ён-атрофимиздаги уйлардан
тортиб, то улар узра чўккан
шом ва юлдузларгача ҳамлар-
дик бимиратгандек эди, гуё,
Қабқа боратгани унчалик ҳам
аҳамият касб этмаган кўзга
қўринмас сайр қилувчилар-
нинг қадимлари, қарама-қарши
томонда жойлашган кўнанинг
пинжиги суқилишга уринаётган
шомонинг увилаши ҳамда ал-
лақайдаги хонадон деразалари
оша таралаётган граммофон
овози жимжитлик қабридан
эшитилиб турарди.
Ҳамроҳим эса, бир илжай-
ди-да, ҳам узининг, ҳам менинг
қияфатни бирлаштириб, битта



МУТТАҲАМ

Оламга айланми — ўнг қўлини
девор бўйлаб юқорига кутарди
ва кўзларини ююиб, деворга
сўзанди. Унинг бу қилимидан
уйлаб кетдим. Шунки шу орқали
муттаҳам экани шундоққина
фош бўлди-қолди. Бир неча
ойдан буён шаҳарда бунақанги
фирибгарларни кўравериб,
уларнинг кечалари ён кўча-
лардан чиқиб келиб, худди
ресторан, меҳмонхона ёки
қовоқхона ҳужайинига ўх-
шаб мулозамат қилишларига

Франс КАФКА

Немис тилидан
Мирзаали АКБАРОВ таржимаси.

Ниҳоят, оқшом соат
ўнга яқин ўзим тақилф
этилан манзилга
илгаридан шунчаки
таниш бўлган, бутун
эса, қутилмаганда
менга қўшилиб, икки
соатдан бери кетимдан
эргашиб юрган одам
билан етиб келдим.

Мана, ҳозир бунақа эски
ҳазилларни сезиб қолдим. Сир
бой бермай, бармоқларим
учларини бир-бирига ишқалай
бошладим. Бу одам эса, суня-
ганича миқ этмай, ўзини ҳамон
фирибгардек тутарди. Ниҳоят,
тақдирга тан бердимки, бети
бирдан қизариб, бўзарди.
— Танним! — дедим
эзимга-ўзим ва унинг елкасига
енгли туртиб қўйдим. Сўнгра
зиндан тез юқорига чиқдим,
қабулхонада турган хизматкор-
ларнинг юз-қўзидаги асосиз
садоқат ифодасидан севиноб
кетдим. Улар пальтомни ечиб,
этигимнинг чангини ҳам артиб
қўйдди. Сўнг енгил нафас олиб,
залга кирдим.

Муассис: ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлигида 2017 йил
2 августда № 0242 рақами
билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

Тахрир хайъати
КамолIDDин Бекназаров, Мансур Бекмуродов,
Лазиз Тангриёв, Мадамин Сафаров, Алишер
Сатдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов,
Нодир Абдуқодиров, Нарғиза Умарова – бош
муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина
Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь
Узбекистана"); Елена Калинин – масъул котиб
("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар
Хусанович
Абдуллаев Хуршид
Уктамжонович

Навбатчи
Ақбаржон Абдураимов

«YOSHLAR OVOZI»дан
материалларни кўчириб босиш
тахририят руҳсати билан
амалга оширилиши шарт.
Тахририятга келган
кўлэмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилик кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида,
А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоли келишилган нарҳда

Бурчма: Г. 430
Адаби — 22799
Кўлаша олдими вақти — 21.00
Тошкентда — 03.05
Рай. нур — 02.05

Офсет усулида босилган.